


# Farmatsiya



4  
2026

---

# FARMATSIYA

*Ilmiy-amaliy jurnali*

*2021 yilda tashkil etilgan  
Yiliga 4 marta chiqadi*

**№ 4 / 2026**

*Axborotnoma OAK Rayosatining 2023 yil 31 mart  
335/5-son qarori bilan dori vositalari texnologiyasi,  
farmatsevtik kimyo, farmakognoziya, farmatsevtika ishini tashkil  
qilish va farmatsevtika iqtisodiyoti, farmakologiya fanlari bo'yicha  
doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish  
uchun tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan*

ISSN-C-31796

# FARMATSIYA

*Научно-практический журнал*

*Основан в 2021 г.  
Выходит 6 раз в год*

TOSHKENT  
2026

---

# FARMATSIYA

ISSN-C-31796

№ 4 / 2026

## Tahrir hay'ati:

**1. Tillayeva G.U.** – bosh muharrir, f.f.d., professor, Farmatsevtik ishlab chiqishni tashkil qilish va sifat menejmenti kafedrasi, Toshkent farmatsevtika instituti.

**2. Amanova M.M.** – dotsent, ToshDAU dorivor o'simliklar kafedrasi mudiri.

**3. Bagdasarova I.S.** – b.f.n., professor, Tibbiy-biologik fanlar kafedrasi, Farmatsevtika ta'lim va tadqiqot instituti.

**4. Dumatov A.F.** – f.f.d., professor, Farmatsevtika ta'lim va tadqiqot instituti rektori.

**5. Iskandarova L.M.** – OOO "Navkar Group" laboratoriya mudiri, farm. fanlari nomzodi.

**6. Jalilov F. S.** – f.f.d., professor, Tibbiyot fakulteti, Farmatsevtik kimyo kafedrasi mudiri. Alfraganus universiteti.

**7. Kariyeva Y.S.** – f.f.d., professor, Dori turlari texnologiyasi kafedrasi mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

**8. Komilov X.M.** – f.f.d., professor, Farmakognosiya kafedrasi, Toshkent farmatsevtika instituti.

**9. Mavlyanova M.B.** – f.f.n., dosent, Farmatsevtika ta'lim va tadqiqot instituti.

**10. Maksudova F.X.** – (muharrir o'rinbosari) f.f.d., professor, Dori vositalarini sanoat texnologiyasi kafedrasi mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

**11. Mirakilova D.B.** – A.Sultonov nomli O'zbekiston kimyo-farmatsevtika ilmiy-tadqiqot instituti (UZ-KFITI) ilmiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari

**12. Nazarova Z.A.** – f.f.d., professor, Dori turlari texnologiyasi kafedrasi, Toshkent farmatsevtika instituti.

**13. Nabiyeu A.X.** – t.f.n., yetakchi ilmiy xodim, Tajriba texnologiya laboratoriyasi, O'zR FA, Bioorganik kimyo instituti.

**14. Xakimjanova Sh.O.** (tehnika kotib) – Farmatsevtik ishlab chiqishni tashkil qilish va sifat menejmenti kafedrasi assistenti, Toshkent farmatsevtika instituti.

**15. Olimov N.K.** – f.f.d., professor, Farmakognosiya va dori vositalarini standartlash kafedrasi mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

**16. Sanayev Z.I.** – t.f.n., katta ilmiy xodim, Farmakologiya va toksikologiya bo'limi, O'zR FA O'simlik moddalari kimyosi instituti.

**17. Sidametova Z.E. (ma'sul kotib)** – f.f.d., professor, Farmakognosiya va dori vositalarini standartlash kafedrasi, Toshkent farmatsevtika instituti.

**18. Tillaeva U.M.** – f.f.d., dotsent, Toshkent farmatsevtika instituti Xalqaro hamkorlik bo'yicha prorektor

**19. Tulaganov A.A.** – f.f.d., professor, O'zbekiston kimyo farmatsevtika ilmiy tadqiqot instituti, O'simliklar va sintetik Dori vositalarini texnologiyasi nomli laboratoriya mudiri

**20. Tulyaganov R.T.** – b.f.d., professor, Farmakologiya va biologik fanlarkafedrasi, Toshkent farmatsevtika instituti.

**21. Tagayaliyeva N.A.** – b.f.n., katta ilmiy xodim, Biologik faol moddalar farmakologiya si va skriningi laboratoriyasi mudiri, O'zR FA Bioorganik kimyo instituti.

**22. Tukhtaev Kh.R.** – f.f.d., professor, Noorganik, fizik va colloid kimyo kafedrasi, Toshkent farmatsevtika instituti.

**23. Tukhtaev B.E.** – b.f.d., professor, ToshDAU dorivor o'simliklar kafedrasi

**24. Urmanova F.F.** – f.f.d., professor, Farmakognosiya kafedrasi, Toshkent farmatsevtika instituti.

**25. Usmanaliyeva Z.U.** – f.f.d., professor, Farmatsevtik va toksikologik kimyo kafedrasi mudiri, Farmatsevtika va tadqiqot instituti.

**26. Yunusxodjayeva N.A.** – f.f.d., professor, Farmatsevtik va toksikologik kimyo kafedrasi, Farmatsevtika va tadqiqot instituti.

## Tahrir kengashi:

Prof. Krasnyuk I.I. (Rossiya)  
Prof. Dzhusupova Zh.D. (Rossiya)  
Akad. Ramenskaya G.V. (Rossiya),  
Akad. Patigorskaya N.V. (Rossiya),  
Prof. Ordabaeva S.K. (Qozog'iston),  
Prof. Sadchikova N.P. (Rossiya)

Prof. Grizodub A.I. (Ukraina),  
Prof. Kurmanov R. (Qirg'ziston),  
Prof. Shukirbekova A.B. (Qozog'iston),  
Akad. Sagdullayev Sh.Sh. (O'zbekiston),  
Akad. To'rayev A.S. (O'zbekiston).

УДК 615.32

## 2022-2025 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОШҚОЗОН – ИЧАК ЯРАСИНИ ДАВОЛАШДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Элёр Нематуллоевич Содиқов, Хилола Усмонкул қизи Мусаева<sup>1</sup>,  
Зупория Ахрор қизи Зупарова<sup>1</sup>, Гузалои Мухитдиновна Исмоилова<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Тошкент давлат тиббиёт университети, Тошкент ш.

<sup>2</sup> Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш.

e-mail: zazulfiya@gmail.com, tel:+998935206696

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари Реестрида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ошқозон яра касалликларида қўлланиладиган дори воситаларининг улушини аниқлаш учун давлатлар бўйича уларни ассортименти, дори шакллари, фаол модданинг келиб чиқиши каби мезонлар бўйича миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таққослаш орқали тизимли таҳлил ўтказилди. Маълум бўлишича, ошқозон ичак - яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалар орасида импорт улуши ўртача умумий миқдорнинг қарийб 80 фоизини ташкил этганлиги маълум бўлди. Уш бу дори воситаларни аксариятини асосий таъсир этувчи фаол субстанцияси синтез асосида олинган моддалар ташкил этиши маълум бўлди. Шунга қўра, табиий хомашёдан олинган, кам захарли, юмшоқ таъсирга эга, узоқ муддат давомида қўлланилиши мумкин бўлган ошқозон-ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган воситаларни рўйхатдан ўтказиш долзарб аҳамият касб этиши маълум бўлди.

**Калит сўзлар:** дори воситалари, ошқозон- ичак яраси, позициялар, ассортимент, Давлат Реестри, ишлаб чиқарувчи давлатлар

**Кириш** Сўнгги йилларда бутун дунёда ошқозон-ичак касалликларининг кескин кўпайиши кузатилмоқда. Ошқозон яраси – бу шиллиқ қаватнинг мушак устининг ташқи қисмга чўзилган, қўшни тўқималарда яллиғланиш инфильтрацияси ва тромботик некроз билан чекланган шиллиқ қаватнинг нуқсонидир. Яра одатда ўн икки бармоқли ичакда ва ошқозонда, камроқ қизилўнгачнинг пастки қисми-

да пайдо бўлади. Одатда касалликни *Helicobacter pylori* бактериясини чақи ради. Сурункали юқимли касалликлар, доимий стресс ва алкоголизм натижа-сида организмни иммун химояси паса-йиб, *Helicobacter pylori* бактерияла-рини фаоллигини кучайишига олиб келиши, ошқозон ярасини ривожлан-тириб юборади. Ошқозон-ичак яраси, дориларни нотўғри қабул қилишдан ҳам келиб чиқиши мумкин, бунга ми-

сол тариқасида ностероид бўлган яллиғланишга қарши дори воситалар сабаб бўлиши мумкин. Бундай дори воситалар ошқозон шиллиқ қаватини безовта қилиб уни аста секин емирилиб ярани пайдо бўлишига ва бошқа сурункали оғир касалликларни, ҳаттоки жигар етишмовчилигига олиб келишга сабаб бўлади. Ошқозон - ичак ярасини даволашда ҳар хил схемалардан фойдаланилади, улар касалликга сабаб бўлган бактерияларни тўлиқ йўқ қилиш, ошқозондаги кислотани нормага келтириш, ошқозон шиллиқ қаватини овқат ҳазм қилиш суюқлигини таъсиридан ҳимоя қилиш, ошқозон яраси учун дори терапиясини касалликни қўзғатувчи *Helicobacter pylori* бактерияларига қарши фаол бўлган антибактериал дориларини қабул қилишнинг ўз ичига олади. Агар ошқозон бактериял омил билан боғлиқ бўлмаса, бошқа препаратлар қўлланилади – кислотани пасайтириш учун аптацидлар, гистамин  $H_2$  рецепторлар блокатори ва бошқалар. Терапия пайтида касалликни сабабини йўқ қилиш учун эмас, балки унинг аломатларини енгиллаштириш учун мўлжалланган ёрдамчи моддалар ҳам буюрилади.

Бу сурункали касаллик бўлиб, ошқозондаги секретор-трофик жараёнларнинг нерв ва гуморал бошқарилиши бузилганда келиб чиқади.

Рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг умумий ҳажмида ошқозон-ичак яра касаллигини даволовчи дори воситаларининг улушини аниқлаш учун давлатлар бўйича дори воситаларни ассортиментини рўйхатдан ўтказиш, дори шакллари, таъсир этувчи модданинг келиб чиқиши каби мезонлар бўйича миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таққослаш орқали тизимли таҳлил ўтказилди [1,2,7].

### **Тадқиқотнинг мақсади:**

2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида ошқозон-ичак ярасини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатга олиш динамикасини ўрганишдир.

### **Материаллар ва усуллар**

Тадқиқот учун 2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланилишига руҳсат этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда тиббий техникаларнинг Давлат реестридан фойдаланилди [3,4,5,6].

Давлатлар кесимида ошқозон-ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг рўйхатдан ўтказилишини ўзгариши, МДХ давлатларида ишлаб чиқарилаётган дори воситалари ассортиментининг рўйхатдан ўтиш салмоғи, дори шакллари бўйича, шунингдек, дори воситаларининг асосий таъсир этувчи моддаси бўйича улуши ўрганилди.

### **Экспериментал қисм**

2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда мамлакатлар кесимида ошқозон-ичак ярасини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш динамикасини ўрганиш натижаси 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, 2022 йилдан 2025 йилгача рўйхатдан ўтказилган ошқозон-ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг умумий миқдори камайиши хорижий ишлаб чиқарувчиларни рўйхатдан ўтказишнинг пасайиши ҳисобигадир, шунингдек, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ушбу гуруҳ дори воситаларини рўйхатдан ўтказилиши ҳам бироз пасайишини кўрсатмоқда.

## 1-жадвал

**2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда мамлакатлар  
кесимида ошқозон- ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган  
дори воситаларини рўйхатга олишдаги ўзгаришлар**

| Ишлаб чиқарувчилар | 2022 йил   |      | 2023 йил   |      | 2024 йил   |      | 2025 йил   |      |
|--------------------|------------|------|------------|------|------------|------|------------|------|
|                    | Позициялар | %    | Позициялар | %    | Позициялар | %    | Позициялар | %    |
| Умумий миқдор      | 248        | 100  | 235        | 100  | 215        | 100  | 177        | 100  |
| Маҳаллий           | 45         | 18,1 | 46         | 19,6 | 42         | 19,5 | 34         | 19,2 |
| МДХ                | 18         | 7,3  | 16         | 6,8  | 15         | 7    | 13.        | 7,3  |
| Хорижий            | 185        | 74,6 | 173        | 73,6 | 158        | 73,5 | 130        | 73,5 |

2022-2025 йилларда МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ошқозон- ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари ассортиментиде асосан Россия ва Украина ишлаб чиқарувчилари етакчилик қилмоқда. 2-жадвалда МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган, ошқозон- ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари ассортиментининг фоиз ҳисобидаги салмоғи келтирилган.

## 2-жадвал

**2022-2025 йилларда МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган  
ошқозон-ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори  
воситалар ассортименти**

| МДХ мамлакатлари | 2022 йил   |      | 2023 йил   |      | 2024 йил   |      | 2025 йил   |      |
|------------------|------------|------|------------|------|------------|------|------------|------|
|                  | Позициялар | %    | Позициялар | %    | Позициялар | %    | Позициялар | %    |
| Умумий миқдор    | 18         | 100  | 16         | 100  | 15         | 100  | 13         | 100  |
| Украина          | 6          | 33,3 | 7          | 43,8 | 6          | 40   | 5          | 38,5 |
| Россия           | 6          | 33,3 | 6          | 37,5 | 6          | 40   | 5          | 38,5 |
| Беларусия        | 3          | 16,7 | 2          | 12,5 | 2          | 13,3 | 2          | 15,4 |
| Грузия           | 2          | 11,1 | 1          | 6,25 | 1          | 6,7  | 1          | 7,6  |
| Қозғистон        | 1          | 5,6  | 0          | 0    | 0          | 0    | 0          | 0    |

2022-2025 йиллар оралиғида Давлат реестрида ошқозон ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалар рўйхатга олинган бўлиб, ушбу фармакологик гуруҳ препаратларининг таҳлили 9 хил дори шаклида келтирилган бўлиб, улар - таблетка, капсула, инъекцион эритма тайёрлаш учун лиофилизацияланган кукун, суспензия, ичиш учун гель, гранула, эритмалардир. 3-жадвалдан кўриниб турибдики, таблеткалар дори шакиллар ичида етакчилик қилади.

**Ошқозон-ичак ярасини даволашда қўлланиладиган дори  
воситаларининг дори шакллари бўйича тақсимланиши**

| №  | Дори шакли                                                   | 2022 йил        |      | 2023 йил        |      | 2024 йил        |      | 2025 йил             |      |
|----|--------------------------------------------------------------|-----------------|------|-----------------|------|-----------------|------|----------------------|------|
|    |                                                              | Пози-<br>циялар | %    | Пози-<br>циялар | %    | Пози-<br>циялар | %    | Пози-<br>ция-<br>лар | %    |
| 1. | Таблеткалар                                                  | 77              | 31,0 | 70              | 29,9 | 61              | 28,4 | 48                   | 27,1 |
| 2. | Капсулалар                                                   | 71              | 28,6 | 70              | 29,9 | 68              | 31,6 | 53                   | 29,9 |
| 3. | Инекцион<br>эритма<br>тайёрлаш учун<br>лиофилланган<br>кукун | 70              | 28,3 | 66              | 28,1 | 62              | 28,8 | 56                   | 31,6 |
| 4. | Суспензия                                                    | 22              | 8,9  | 20              | 8,6  | 15              | 7,0  | 11                   | 6,21 |
| 5. | Инъекция учун<br>эритмалар                                   | 3               | 1,2  | 3               | 1,3  | 4               | 1,9  | 6                    | 3,4  |
| 6. | Ичиш учун гель                                               | 2.              | 0,8  | 1               | 0,43 | 1               | 0,46 | 1                    | 0,56 |
| 7. | Гранулалар                                                   | 1               | 0,4  | 1               | 0,43 | 1               | 0,46 | 1                    | 0,56 |
| 8. | Инфузия учун<br>эритмалар                                    | 1               | 0,4  | 2               | 0,85 | 2               | 0,92 | -                    | -    |
| 9. | Ичиш учун<br>эритма                                          | 1               | 0,4  | 1               | 0,43 | 1               | 0,46 | 1                    | 0,56 |
|    | Умумий миқдор                                                | 248             | 100  | 235             | 100  | 215             | 100  | 177                  | 100  |

Асосий таъсир этувчи модданинг келиб чиқиши бўйича, ошқозон-ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг ассортименти таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий таъсир этувчи фаол субстанция синтез асосида олинган бўлиб, яъни табиий бирикмалардан ташкил топмаган. Олинган маълумотлар фаол модданинг келиб чиқиши бўйича ошқозон-ичак яра касалликларини даволашда қўлланиладиган препаратлар 4-жадвалда келтирилган.

**Ошқозон-ичак ярасини даволашда қўлланиладиган  
препаратлардаги фаол субстанциянинг асосий таъсир этувчи  
моддаси бўйича таҳлил натижалари**

| №   | Таркиб                                                                               | 2022 йил        |      | 2023 йил        |      | 2024 йил        |      | 2025 йил        |      |
|-----|--------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|------|-----------------|------|-----------------|------|-----------------|------|
|     |                                                                                      | Пози-<br>циялар | %    | Пози-<br>циялар | %    | Пози-<br>циялар | %    | Пози-<br>циялар | %    |
| 1.  | Омепразол                                                                            | 59              | 23,8 | 53              | 22,5 | 51              | 23,7 | 38              | 21,5 |
| 2.  | Пантопразол                                                                          | 45              | 18,1 | 41              | 17,4 | 42              | 19,5 | 32              | 20   |
| 3.  | Эсомепразол                                                                          | 33              | 13,3 | 32              | 13,6 | 32              | 14,9 | 29              | 18,1 |
| 4.  | Рабепразол                                                                           | 26              | 10,5 | 25              | 10,6 | 19              | 8,8  | 17              | 9,6  |
| 5.  | Comb.drug (Alu-<br>minium hydrox-<br>ide, magnesium<br>hydroxide, ben-<br>zocaine) * | 20              | 8,1  | 20              | 8,5  | 15              | 7,0  | 11              | 6,2  |
| 6.  | Ранитидин<br>гидрохлорид                                                             | 17              | 6,8  | 16              | 7.   | 11              | 5,1  | 9               | 5,1  |
| 7.  | Famotidine                                                                           | 10              | 4,0  | 9               | 6,8  | 8               | 3,7  | 4               | 2,3  |
| 8.  | Comb.drug<br>(Салсии<br>сарбонас,<br>Магнесии<br>сарбонасс)                          | 9.              | 3,6  | 7               | 3,0  | 6               | 2,8  | 4               | 2,2  |
| 9.  | Висмут<br>субситрати                                                                 | 3               | 1,2  | 3               | 1,28 | 3               | 1,4  | 2               | 1,1  |
| 10. | Висмут три-ка-<br>лий дитситрат                                                      | 2               | 0,8  | 2               | 0,85 | 2               | 0,9  | 2               | 1,1  |
| 11  | Натрий<br>бикарбонат                                                                 | 2               | 0,8  | 4               | 1,7  | 4               | 1,9  | 4               | 2,2  |
| 12. | Rebamipide                                                                           | 2               | 0,8  | 2               | 0,85 | 2               | 0,9  | 2               | 1,1  |
| 13. | Деклансопразол                                                                       | 2               | 0,8  | 3               | 1,28 | 1               | 0,46 | 1.              | 0,56 |
| 14  | Сомб.друг<br>(Симетҳисоне,<br>Магалдрате)                                            | 1               | 0,4  | 1               | 0,42 | 1               | 0,46 |                 | 0,56 |
| 15  | Лансопразол                                                                          | 1               | 0,4  | 1               | 0,42 | 1               | 0,46 | 1               | 0,56 |
| 16  | Ванопразан                                                                           | 1               | 0,4  | 1               | 0,42 | 1               | 0,46 | 1               | 0,56 |
| 17  | Алтан*                                                                               | 1               | 0,4  | 1               | 0,42 | -               | -    | -               | -    |
| 18  | Сукралфат                                                                            | 1               | 0,4  | 1               | 0,42 | 1               | 0,46 | -               | -    |
| 19  | Бошқа гуруҳлар                                                                       | 13              | 5,2  | 13              | 5,5  | 15              | 7,0  | 19              | 10,7 |
|     | <b>Умумий<br/>миқдор</b>                                                             | 248             | 100  | 235             | 100  | 215             | 100  | 177             | 100  |

**Хулоса** 2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ошқозон-ичак ярасини даволашда қўлланиладиган воситалар ассортиментини ўрганиш натижасида давлатлар кесимида ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ҳам, дори шакллари нинг ўзига нисбатан ҳам хилма-хиллик аниқланди.

Маълум бўлишича, ошқозон -ичак ярасини даволашда қўлланиладиган дори воситалари орасида ушбу дори воситаларининг импорт улуши умумий миқдорнинг ўртача 80 фоизини ташкил этди. Ошқозон-ичак ярасини даволашда қўлланиладиган рўйхатга олинган препаратларнинг аксариятида асосий таъсир этувчи моддаси келиб чиқиши бўйича синтез асосида олинганлиги аниқланди. Шу сабабли, доривор ўсимликлардан ошқозон -ичак ярасини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳаллий ўсимлик хомашёсидан дори воситаларини ишлаб чиқариш ва рўйхатдан ўтказишга эҳтиёж катта.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Зупарова З.А., Хайдаров В.Р., Исмоилова Г.М., Миррахимова Т.А. Изучение ассортимента иммуномодулирующих и иммуностимулирующих лекарственных средств в 2016-2021 гг., зарегистрированных в Республике Узбекистан // Ремедиум. 2021. №4. С. 84-87.

2. Дремова Н.Б. Развитие методологии маркетинговых исследований в фармации. Человек и его здоровье. 2005. - №1. - С. 62-765.

3. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №26, 2022 г.

4. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №27, 2023 г.

5. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №28, 2024 г.

6. Государственный Реестр лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан №29, 2025 г.

7. Z. Zuparova, A. Xudayshukurova, G. Ismoilova, G. Djanaev, R. Imomiyon, M. Ergashov Development Of Technology of Dry Extract of Purple Echinacea for Obtaining the Active Pharmacological Ingredient "Immunaship"// BIO Web of Conferences 204, 01008 (2025) IEM-HEALS 2025 <https://doi.org/10.1051/bioconf/202520401008>

УДК 615.32

# ТЕНДЕНЦИИ ИЗМЕНЕНИЯ РЕГИСТРАЦИИ ПРОТИВОЯЗВЕННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В УЗБЕКИСТАНЕ С 2022 ПО 2025 гг

Э. Н. Содиқов, Х.У.Мусаева<sup>1</sup>,  
З.А.Зупарова<sup>1</sup>, Г.М. Исмоилова<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ташкентский государственный  
медицинский университет, г. Ташкент

<sup>2</sup>Ташкентский фармацевтический  
институт, г.Ташкент Email:zazulfiya@  
gmail.com, tel:+998935206696

Для определения доли противоязвенных препаратов в общем объеме зарегистрированных лекарственных средств проведён структурированный анализ Государственного Реестра лекарственных средств и изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан, путём сопоставления количественных и качественных показателей, по таким критериям как регистрация ассортимента по странам, по лекарственным формам, по происхождению активного вещества. Установлено, что среди противоязвенных препаратов доля импорта в среднем составило около 80 % от общего количества. У большинства зарегистрированных противоязвенных препаратов по происхождению основного действующего вещества активная субстанция получена на основе синтеза. Соответственно, стало актуальным разработка и внедрение противоязвенных средств из натурального сырья с низкой токсичностью, мягким действием, которые могут применяться в течение длительного времени, а также регистрация средств, разработанных местными производителями.

**Ключевые слова:** лекарственные средства, противоязвенные препараты, позиции, ассортимент, Государственный Реестр, страны производители.

# TRENDS IN ANTI-ULCER MEDICINE REGISTRATION IN UZBEKISTAN FROM 2022 TO 2025

E. N. Sodikov, H.U. Musayeva<sup>1</sup>,  
Z.A. Zuparova<sup>1</sup>, G.M. Ismoilova<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Tashkent State Medical University,  
Tashkent

<sup>2</sup> Tashkent Pharmaceutical Institute,  
Tashkent

Email: zazulfiya@gmail.com,  
<tel:+998935206696>

To determine the share of anti-ulcer drugs in the total volume of registered medicines, a structured analysis was conducted by comparing quantitative and qualitative indicators, using criteria such as product range registration by country, dosage form, and origin of the active ingredient. It was found that, on average, the share of imported anti-ulcer drugs accounted for approximately 80% of the total. For the majority of registered anti-ulcer drugs, the active ingredient is obtained through synthesis. Accordingly, the development and implementation of antiulcer agents made from natural ingredients with low toxicity, gentle action, and long-term use has become urgent, as has the registration of agents developed by local manufacturers.

**Keywords:** medicines, antiulcer drugs, products, product range, State Register, manufacturing countries.